



Сосонийлар шаханшохи Хурмазд IV-нинг лашкарбошиси, таникли саркарда Бахром Чўбин авлодлар хотирасида халк кахрамони сифатида мухрланиб колган, унинг жасоратлари хакида афсоналар тўкилган. Сосонийлар вақтидаёқ у ҳақда пахлавий тилида "Бахром Чўбин номак" ("Бахром Чўбин хакида китоб") тарихий романи битилган, кейинчалик Бахром Чўбин ўрта аср араб ва форс муаллифлари илмий ишларида тилга олинган ривоятларга асос бўлган. У фақат Эрон эмас, балки туркий халқлар кахрамони ҳамдир, бунинг замирида тарихий асос йўқ эмас, чунки айрим маълумотларга кўра, Бахром Чўбин турк наслидан бўлиб, Сосонийлар хизматида бўлган турк ўғуллари орасидан чиққан.

Маълумки, Бахром Чўбин Рай шахридан, зодагон Мехрон Аршакийлар наслидан эди. Парфияликларнинг келиб чиқиши скифларга мансуб бўлиб, дохлар номи билан машхур кўчманчи кабилалар билан боғлиқ. Дохлар қадимги форс битикларида сак кабилаларидан бири сифатида эсланади, улар Сирдарёнинг қуйи қисмида яшаганлар, милоддан аввалги III аср-да эса жанубга, Парфия чегаралари томонга кўчиб ўтганлар. Антик манба маълумотларига кўра, Аршак дохлар иттифокига кирган ва Туркменистон жанубидаги Тешен дарёси деб тасаввур этилмиш Ўх дарёси ёқалаб кўчиб юрган парнлар кабиласининг бошлиғи эди. Милоддан аввалги III асрнинг 3-чорагида парнлар бир қатор кўчманчи кабилаларни қўл остида бирлаштириб, маҳаллий ўтроқ аҳоли билан қўшилиб кетиб, ўзларини парфияликлар деб аташган. Антик давр топономияси маълумотлари шу нарсани тахмин қилишга имкон берадики, юнон-мақдуния фотиҳлари хукмронлигининг тугаши Ўрта Осиё, Эрон ва Қоқоз хуудларига кўчманчилар ёриб киришига замин яратган, уларнинг бир қисми туркийзабонлар бўлган.

Маълумки, Хусрав I Анўширвон Истемий коон Дивулунинг кизига уйланган эди. Ўз ўтмишдошларидан фарқли ўларок, Анўширвон хукмрон ортодоксаль зардуштийлик диний мутаассиблиги гоюларини рад этди ва насронийлар, Маздак маслакдошлари ва бошқа диний оқимларга нисбатан хайрихоҳдик сиёсатини юритди. Бундан ташқари, у ўзининг маърифий фаолияти билан ҳам машхур эди, шу боис, дунёвий фан ва маданиятни ривожлантириш учун кўп қуч сарфлади. Мана шу сифатлари тўғрисида ҳам у Нўшира-вони Одил ва Улмас Жон деган номлар олган. Унинг хукмронлиги вақтида муаллифлари

Улугхон Ота Битикчи ва бир канча бошка турк ривоятчилари бўлган кадимги туркларнинг мукаддас "Ўгузнома" китоби ўрта форс тилига ўгирилган эди. Бу китоб Хусрав I нинг вазири Анўширвон Бузурги Мехр Бахтагонга тегишли бўлган.

Ривоятларга караганда, Хусрав I Анўширвон Фаргонада шахар бунёд этган, унга хар бир хонадондан одамлар олиб келган ва уларни хархоналар (аз хар хонё) деб атаган.

Масъудийнинг ёзишича, бу шахар Кубо деб аталган. Бу ривоятнинг халк анъаналарига чуқур сингиб кетгани шуни кўрсатадики, Хусрав I Анўширвон хукмронлиги вақтида дархакикат Фаргонада форс мустамлакасига асос солинган ва Эрон аҳолисининг бир кисми у ерга кўчириб ўтказилган бўлиши мумкин. Ат-Табарий ҳам шундай тахминни илгари суради, унга кўра Хусрав I Анўширвон турклар билан иттифок тузиб, эфталитларга қарши юриш қилган (554 йил) ва Фаргонагача етиб бориб, у ерда ўз кўшинини қолдирган. Бахром Чўбин ҳаётининг сўнгги кисми ҳам у турклар томонга қочиб ўтганидан кейин Фаргона билан боғлиқ.

Араблардан турклар томонга қочиб ўтган сўнгга сосоний шох Яздигирд III (632-651 йилларда хукмронлик қилган) ҳам айнан Фаргонада яшаган. Ат-Табарий асарида таъкидланишича, 29/649-50-йилларда халифа Усмон (23-35/644-656 йилларда хукмронлик қилган) Хуросонга Умар (Умайра) ибн Усмон ибн Саъдни юборган, у Шайхун дарёсини кечиб ўтиб, Фаргонага етиб келган. Абу Али Балъамий ўзининг кўшимчасида бу воқеани 31/651-52-йилларга мансуб беради. Тахмин қилинишича, арабларнинг бу биринчи юриши Яздигирдни қидириб тоғаш максатида уюштирилган эди. Отбош шаҳридан унча узок бўлмаган, яъни Фаргонага кўшни бўлган Иссиқкўл туманида жойлашган Барсхон шаҳридан келиб чиққан Газнавий сулоласи асосчиси Сабуктегин ўз насл-насабини Яздигирд III га такай-ди. VIII аср бошларида турклар мамла-кати Фаргонада яшаган форслар (ажам) эсга олинади. Турклар мамлакатада яшаган ва 629 йилда турклар ёрдамида Шеруя ва унинг ўгли сосонийлар зурёди Хусрав Хархон (Хармаз) ибн Арслон ибн Бойунчур ҳам, афтидан, форс кўчманчилари орасидан чиққан эди. Бу воқеалар халк ривоятларида ҳам элас-элас сакланиб қолган, унга кўра араблар Форс (Ажам)ни босиб олгандан кейин форслар улардан қочиб, фаргонада жон саклаганлар.

Юкорида баён этилган маълумот-лардан келиб чиқиб тахмин қилиш мумкинки, Сосонийлар қариндош тутинган турк хоконининг ватани айнан Фаргона бўлган. Бахром Чўбиннинг янги қариндошлик ришталари ҳам Фаргона билан боғлиқ бўлган, бу ерда унинг авлодлари Сомонийларнинг аждодлари яшаган.

IX асрда Багдодда Хокон деган одам яшаган (234/848-49-йилларда ўлган), у Фаргона шохларининг авлоди бўлган. Ислонни қабул қилган унинг ўғиллари ва неваралари юкори мансабдор амалдорлар, йирик лашқарбошилар, валиахдлар, вазирлар ва Аббосий халифаларнинг энг яқин одамлари бўлганлар. Унинг авлодлари унга ал-Хоконий нисбаси билан мансуб бўлганлар. Ал-Фатх ибн Хокон (248/ 852-53-йилларда ўлган), Яхё ибн Хокон (240/854-55-йилларда ўлган), Бог-ловур ибн Хокон, Такин ибн Алий ва бошқалар ҳам унинг наслига мансуб берилдилар. IX асрда яна Багдоддаги халифалар саройида хизмат қилган Хокон ал-Ходим, ат-Туркий, Хокон Атруж, Хокон ибн Ахмад ва Хокон ал-Афлахий исмли кишилар тилга олинади. Масрур ал-Фаргоний Хорун ар-Рашиднинг тан кўрикчиси ва яқин дўсти бўлган. Халифа ал-Муваффақнинг Азку тегин ибн Асотегин исмли лашқарбошиси ҳам Фаргонадан эди. Хадисларни тўпловчи Абдуллох ибн Мухаммад ибн Фаранқадик Хожиб ибн Жаф ибн Малик ибн Аркин ат-Туркий ал-Фаргоний (306/918-19) ҳам ўз насабини Фаргонанинг шох (малик)-ларидан бирига

олиб бориб такаганди. Миср ва Сурияда хукмронлик килган Ихшидийлар сулоласи асосчилари хисобланган Тугж ибн Жаф ибн Жаф ибн Йилтакин ибн Фавран ибн Фури ибн Хокон ал-Фаргоний ва унинг ўгли Абубакр Мухаммад ибн Тугж ал-Фаргоний ўзларини Фаргона ихшидийлари авлодлари санаганлар. Тахмин килиш мумкинки, улар Бахром Чўбин саройида ўзининг сўнги кунларини ўтказган ўша хокон Йилтегиннинг зурёдлари бўлган. Ихшидийлар сулоласининг айрим вакиллари шажарасида аждодлар орасида Бигжур ал-Ихшид деган одам номи тилга олинади. 268/ 881-82-йилларда Басра валиахди этиб Кайсар тайинланган эди, у Фаргона ихшидининг Архуз исмли фарзанди эди. Бошка манбаларга кўра, араб фатхи даврида Фаргона ихшиди туркча Сувартакин номи билан юритилган. Багдодда яшаган Восиф ибн Сувартакин ал-Ходим ал-Бектамирий учинчи авлоди бўлса керак. Ат-Табарий ат-Тар ёки Алатар, Балаз ва Жур номли Фаргона шохларининг исмларини эслатиб ўтади. Ўрта асрларда Хокон атамаси билан Андижондан жануб томонга окиб ўтувчи анхор ва Андижон шаҳар дарвозаларидан бири ҳам аталган.

Бахром Чўбиннинг иккинчи исми "Чўбин" ёки "Чўбина" ўрта форс тилидан таржимада "карга" маъносини англатиши шох Хурмузд IV (576-590 йилларда хукмронлик килган) вақтида сарой мажмуасидаги лакаби бўлган дейилади. VIII асрнинг иккинчи ярми-да тибет тилидан ўгирилган жугрофий рисолада туркий кабилалар ва ўша вақт-да Ўрта Осиёда истикомат килган халк-лар орасида янь-ти (кушонлар) ва хабдал (эфталитлар) билан кўшни яшаган гар-рга-пур кабиласи тилга олинади. Шундан келиб чиқиб, бу ерда гап ўша вақтда Гарбий Турк коонлиги доирасида бўлган Тохаристонда яшовчи халклар тўғрисида кетмоқда. Гар-рга-пур этномими икки сўздан ташкил топган деган фикр бор: туркийча гар-рг (карга) ва форсча пур (ўгил); биринчи сўз форсча чўбин (карга) сўзининг бузилган шакли хисобланади. Бахром Чўбиннинг Балхда яшаб қолган авлодларини турклар шундай атаганлар. Антик давр манбаларида Кофкознинг шаркида яшаган халклар орасида албанлар ва каспийлар билан бир қаторда гаргарлар ҳам тилга олинади. Озарбайжон ҳудудида халигача Каркар гидроними ва Хархар топоними сақланиб қолган.

Каргани англатувчи ном Бахром Чўбиндек одамга, бу қуш ижобий қахрамон сифатида қараладиган тасаввурлар муҳитидагина берилган бўлиши мумкин.

Карга ёки қузгун Сибирь халклар-и ва Жанубий Африка хиндулари диний афсоналарининг марказий қахрамони хисобланади, бу ерларда карга (қузгун)нинг илк аждоди, маданий қахрамон ва қудратли шомон сифатида намоён бўлади. Қадимги туркларда Карга тонги Куёш рамзи бўлган эди, у субҳидамги мовий Осмон билан биргаликда Тангри таолони ўзида мужассамлаштирган. Канотларини ёзиб турган лочин кўринишидаги Кизил Карга қадимги турк валиахди Қултегиннинг қулоҳида тасвирланган. Қирғиз халқ достонида одамларга ёрдамга келувчи Қорақуш тимсоли у билан чатишиб кетади. Эрон халқ достонида бу қуш — Семург. Ўрта асрларда турклар орасида Қорақуш номи кенг тарқалган эди. Қорахонийлар тангаларига қаптар, хўроз, полопонли ва гулли мода қуш тасвири туширилган. Хитой манбаларига қараганда, қадимги туркий-забон кабилалар уши, яъни усуней (яна хуннлар деб ҳам аталганлар)нинг насл белгиси ҳам карга бўлган. Ўрта Осиё халқлари санъатида олтин ёки бронзада тажассум топган йиртқич қуш (лочин, қарчигай ва х.к.) рамзи кенг тарқалган қуёшнинг рамзий тасвири ёки фарн инкарнацияси (тажассуми) билан боғлиқ бўлган. Лочин тимсоли Сибирь халқлари шомончилиги афсоналари билан узвий боғлиқ эди, унга кўра осмоннинг яхшилик фаришталари одамларга ёрдам бергани лочинлар шохини (икки бошли лочин) ерга

туширади. Лочин ерга тушади-да, дарахт тагида ухлаб ётган хотин билан кўшилади.

Бунинг натижасида биринчи шомон тугилади.

Лочин асосида инсоннинг рухий ибтидоси дунёга келади, шунинг учун лочин куёш куши хисобланади. Лочин ва кўчманчи мавзуси кушон санъатида кенг ёйилган. Аршакийлар лочини ҳам гарчанд, бирмунча бошқачарок анъаналарга мурожаат килса ҳам, шу шохий мавжудотлар сирасига киради.

Айни дамда, Якин Шарк, Шимо-лий Африка, Оврупо ва Хиндистон халқларининг диний афсоналари тасавурида карга иблис қахрамон хисобланади ва ўзида бахтсизлик ҳамда ёмон аломатларни мужассамлаштиради. Сосонийлар Эронида карга рамзи кўпроқ адоватли келгиндиларни тасвирлашда ишлатилган.

Яна тахмин килиш мумкинки, Бахром Чўбин лакаби унинг юкорида тилга олиб ўтилган карга кабиласига мансублигини акс эттирган. Бахром Чўбиннинг аждодларидан бирининг исми Чўбин ибн Милод бўлган. Бинобарин, "Чўбин" лакаби Бахром Чўбиннинг наслий исми бўлиши ҳам мумкин, бу эса туркча асил "Карга"-нинг форсча бузиб айтилганидир. Бахром Чўбиннинг 19-авлоддаги аждоди бўлган Чўбин ибн Милод бошқа ман-баларда Каркин, Каргин ибн Милод ёки Гаргин ибн Милод номлари остида тилга олинади. Фирдавсийнинг "Шохнома"сида у қадимги эрон шохи Кайковуснинг пахлавлари ва лашқарбошилари орасида тилга олинади ва жангларда чиниккан, кўркув нималигини билмайдиган жанговар, фидойи, магурр қахрамон сифатида таърифланади. Турклар хокони Афросиёб аждодлари шажарасида яна Ёфас ибн Нухнинг ўгли бўлган Каркин ҳам тилга олинади. Бошқа шажарада Каркин исми ўрнига Ёфас ибн Нухнинг ўгли сифатида Турк исми келтирилади.

Ўрта аср кўчманчи туркман-ўғуз кабилалари орасида Каркин номидаги кабила (эл) тилга олинади. Каркин исми турк ўғузларининг афсонавий аждодларидан бирига тегишли эди, уларнинг шажарасига кўра, у Ўғузхоннинг учинчи ўгли Юлдузхон-нинг тўртинчи ўгли эди, шунингдек, бошқа ўғуз ҳукмдори Каркин Кўнокали бўлган. Ривоятга кўра, Каркин исми "халқни очликдан сакловчи" ёки "нон-туз"ни англаган, унинг онго-ни, яъни муқаддас куши киргий ёки сув бургути (су баркути) бўлган эди. Форсча изоҳли лугатда ёзилишича, Чўбинак исми яна "сув куши" (мург-и обий) ёки "дарё куши" (мург-и дарёи)-ни англатади. Бинобарин, бу номлар (Каркин ва Чўбинак)нинг маъновий ўхшашлиги тасодифий эмас, улардан бири иккинчисининг бузилган шакли бўлганлиги ҳам эҳтимолдан узок эмас.

Шундай килиб, тахмин килиш мумкинки, Бахром Чўбин аждодлари келиб чиқиши бўйича Ўрта Осиё турк кабилаларидан бири билан қариндошлик муносабатига эга бўлган, унинг онгони куш — карга бўлган. Бу кабила қадимда парфияликларнинг кабилавий бирлашмалари доирасига кирган бўлиши мумкин, кейинчалик лионитлар, кидаритлар, эфталитлар ва турклар билан барча Сосонийлар хизматида бўлган. Бахром Чўбин кушон ёки массагет Аршакийларининг шохобчаси хисобланган ва Ўрта Осиёнинг Парфияда юнон-мақдуния ҳокимлигига нукта қўйган, милoddан аввалги III аср иккинчи ярмида мустақил Парфия давлатига асос солган кўчманчи скиф кабилалари иттифокига кирган қадимги зодагон турк насли мухитидан келиб чиққан эди. Шу боис, Ўрта Осиё туркий халқлари хотирасида Бахром Чўбин халқ қахрамони сифатида сақланиб қолган.

Шамсиддин КАМОЛИДДИН